



Жасорат — айб эмас!



Биз жасорат сўрар эдик. Лекин бериш каерда — жасоратимизнинг колган-кутганини хам олмок муддаосида эдилар. Биз сўз эркинлиги сўрар эдик. Лекин тилимизни тек-тугидан кесмокчи эдилар. Жасорат биткан эди, тил кесилган эди... Юрагимиздаги бир оз умидни истисно килганда бошка нарсалар юлинуб-юлкинган эди.

Нихоят: фигон ва нолаларимиз арши-аълоларга етканда умидимиз куёши Ўктаурдан

туди. Жасорат бўгмагарларининг оёглари осмондан, тил кассобларининг манфур гавдалари жаханнам тегидан келди.

Ўктарадан биз бошлика жасорат олдик. Сўз эркинлиги олдик. Чиндан хам Буюк Ўктабр инкилобининг ишчи ва камбагаллар синфида берган емиши жасорат эмасми эди?!
Карангиз:

Бутун умри рутубатлик ишхонада ўткан бир ишчи, ўлтуриш-туриши, ошаш-ичиши, ёлгуз меҳнатни — кетмөннинггина тасаввур этмакка мажбур бўлган бир дехкон бу кун бизнинг тушларимизга кирмаган фикрларни сўзлайдир, хайрон колдирарлик даражада хат-харакатлар кўрсатадир, буниси кифоя килмагандек уста дипломатларнинг етишмаган ерларини туртуб тўғрилайдир!!!

Нега бу мундок? Дорулфунун битирганни эди бу ишчи? Сиёsat билан шугулланганни эди бу дехкон. Ва ё социализм элчиси буюк Карл Марксдан беш-үн йил дарс олганни эди бу иккиси?

Бу эҳтимолларнинг биттаси хам эмас: Буюк Ўктабр инкилоби уларга жасорат берди, онг берди, хак берди!!! Шахсият кирлари, аксил харакат губорларига мулаввас бўлмаган(Мулаввас бўлмаган — бўлганмаган, беланмаган) жасорат Шўролар хукуматининг негизидир — асосидир. Шунинг учун халигидак пок жасоратлар учун бепоён таажжубланмакка, хадсиз хайрон колмокга хеч бир кимсанинг хакки бўлмаса керак.

Биз миллат ва миллатчилик дарёсида сўзгучи бир жасур бўлуб танилубмизки, бизни кечирсунлар!

Истанбул қахвахоналарининг мужассам типи бўлган бир норгилахўрнинг(Норгилахўр — чилимкаш) миллатчилик ва миллат масалалари билан неча грўшлик(Грўш — куруш (арабларда майда пул бирлиги) грўш) иши бўлсан! Кувваи аклиясини Истанбул қахвахонасидан бошка бош огри-гиларга нега юборсун?!(Истамбул қахвахоналари доим одамлар билан гавжум бўлиб, гурунг килиб ўтираверадилар, бу одат хозир хам шундай.) Тузук, унинг бир оз айби, кечирилмаслик бир кусури бор: у арайишчи(Арайиш — тартиб), хажв эмас латойиф(Латойиф — нозик маъноли сўзлар.) билан орамиздаги баъзи камчиликларни тузатмакчи!

«Кизил байрок»нинг 186-нчи сонида бирдан бир ўзбекча, «Инкилоб» журналига ўзбек ёшларининг эътиборсизликларини кўрсатиб журнал хакида кўча-кўйларда маъносиз айб такиб юрган баъзи ёшларимизни тасвир этуб ўткан эдик. Лекин «Паспурт йўкотдим» сахифасидаги бу макола журнал мухаррири ўрток Тўракулга катгиг теккан, маънони бошка ёкка буруб ифодани, таркибни, максадни иккинчи томонга йўйилган. Шу муносабат билан макола ёзгучигагина эмас, бошка шоир, мухаррир, драматург, «Кизил байрок» ва тагин алла кимларга, хатто шу маколани ўзига жойлаган когоз-сиёхга довр хайф дейилган, афсус ейилган!

Ортиқ кизилган, адаб доирасидан чикиб бўлсада сўкуб колмок кўзда тутулган, шаънга лойик келмаган харакатлар хам бўлган. Кўча сўкишларини келтуруб, такдиси эҳтиром зиммамга юклатилиб колдирилган, матбуот риоясини хам эсдан чикарилган.

Ёш ёзгучиларимизни илмсизлик, ишсизлик билан айблаб таъна тошлари отасиз. Лекин бундай таъналар бизнинг каби ишка янги бошлаган бир миллат учун ўринсиздир. Биз мутараккий миллатларнинг тараккий тарихларини текширасак, кўрамизки, бошда уларда хам матбуот ишлари билан юргучилар сизнинг таънангизга махкум ёшлар бўлгандирлар. Бир жихатдан сизнинг таънангиз эндигина матбуотга якинлашиб келмақда бўлган ёш талантларни маюсиятга туширмакдан бошкага фойдаси тегмас.

Таънангизга махум ёшлар янги адабиётимиз учун тақдирга лойик нарсалар бердиларки, майдондадир. Лекин даъвоси тог-тошдан хам улуг бўлган зотлардан хали адабиётимиз арзугулук, бир нарса хам кўрмади...

Энди жавоб берайлик: бу кунгача биз Мухиддин Арабийгагина эмас, хатто ўзимизнинг Абдуллатифларга(Подшоҳ Улугбекнинг ўғли Абдуллатиф кўзда тутиляпти; адашган, жохил маъносида) хам тил тегизиш хамокатида(Хамоҳат — ахмоклик) бўлмалик ва бўлмаймиз. Арабий билан ўз даражамизни яхши билиб Арабий олдида офтобдан бир зарра хам бўлмаганигимизни яширмаймиз. Хали жаҳли мураккаба(Жаҳли мураккаб — мутлок нодонлик) колгунимизча йўқ. Лекин шуниси бор: Арабийнинг кўрган тушлариға, олам мисолига (олам мисол)(Олам мисол — оламнинг яратилиши) ишонмак мажбурияти бизда йўқ. Бу эрса номашруъ(Номашруъ — шариатга хилоф) бир жасорат бўлгани каби бунинг билан бизни хеч кимса айблай олмас. Йиги билан кулмак орасида мутараддид(Мутараддид — иккиланмок) колмокнинг асло лузуми йўқ!

Адабиётимизга Аёз Исҳоков, Фотих Амирхонлар, танқидчилар ва хажвкашлигимизга Олимжон Иброҳимовлар тилагида бўлинубсиз. Бу заарсиз хайриҳоҳлик бўлса хам орада бир оз онглашмовчилик бор. Оналаримиз отини Аёз Исҳоков, Олимжон Иброҳимов кўюб болалар тугуб берсунларми? Ва ёки тугулган болаларнинг кайси бириси Аёзга ва каюси Олимжонга ўхшар экан деб умр ўздирайлукми?

Бизнинг кичик миямиз бу масала тўгрисида шуни демакка мажбурдир: мухитимиз ва ўзимизга яраша Аёзларимиз, Камолларимиз, Олимжонларимиз бордир. Бизнингча, Аёз ва ё Олимжоннинг худда ўзи бўлмоги шарт эмасдир.

Танқид сўзига берилган маъно хам бизнингча дуруст эмас. Танқиднинг маънойи лугавийси саралаш, арайишини олмок деган сўздир. Наинки ер билан яксон этмак! Бу кунгача биз танқид килмок билан асанликдан чиккан ва ер билан яксон булган бир нарсани хам кўрмадик, балки мукаммалашканларинигина кўрдик...

Бизни кадрношунослик ва нонкўрлик билан хам айбламакчи бўлганлар.

Мусо Жоруллоҳ, Ризо ва Рашид козиларнинг хам Исломбекларнинг кадрларини, туз хакларини лозимича билмаган шарқ йигити ичимиизда турмасун демакчи бўламан.

Уларнинг хизматларини тақдир этмагучи мажнундир,(Мажнун — аклсиз) бошка эмасдир. «Хангги» дейсиз. «Уят-уят! »ларни ўзингиз катор-катор чизасизда, лекин амалга келганда ўзингиз уялмайсиз. Бу уятсиз хитобингиз матбуот билан бизга янгилик баҳш этмайдир. Нечукким собиқда ўруснинг мустабид тўраларидан «хангти» хитобини кўб эшитурб келгандирмиз. Бу кун бу таъбирни (таъбирми-таҳкирми!) ўзимизнинг «мана» деган бир йигитимиздан эшитар эканмиз, бизнинг учун зихи саодат!(Зихи саодат — кандай баҳт) Шиъий ва ё суннийлик даъвоси ёки игвогарлик муддаоси хошо ва калло(Хошо ва калло — мутлако йўқ,) бизда йўқ,. Дуо килингизки, бу балойи осмонийдан(Балойи осмоний — тақдир) хаммамиз хам эмин(Эмин — тинч, хавфсиз) бўлайлик!

Сиз «хаммамизга хам афсус» деб гувранасиз(Гувранмок, — мингирамок.), лекин ман «хаммамизга хам баракалла!» деб сўзимни тугатаман.

Жулкунбой «Кизил байрок» — 1922 йил, 1 июл 191-сон 2—3 бет.

Абдулла Кодирийдан